ТАРИХ ВА СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР

Б.М. РАСУЛОВ

Автор статьи предпринял попытку проанализировать процесс раскулачивания и коллективизации на основе синергетического подхода.

The Author of the article has undertaken the attempt to analyse the process plundering and collectivizations on the base of synergetic approach.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги илм-фан тараққиётининг инсониятга тақдим этган буюк кашфиётлари қаторидаги бир қадар камтарона кўринган, аммо диққатга сазовор ва эътиборга молик бўлган нодир туҳфаси синергетик тафаккур услубидир. Нобель мукофоти совриндори И.Пригожин, немис физиги Г.Хакен томонидан асосланиб, табиий фанларнинг тараққиётига муҳим ҳисса қўшган синергетик тафаккур услуби секин-аста ижтимоий-гуманитар фанларга кириб борди.

Тараққиётнинг эволюцион тамойилини асос қилиб олган синергетиканинг барча фанлар учун универсиаллик касб этаётган *ўз-ўзидан уюшиш, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тартибсизликдан тартибга ўтиш, тасодифий жараёнлар аҳамиятининг ортиши, хаос* назариялари тарихий тадқиқотлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. “Синергетика дунёнинг ўз тузилиши асосларидаги зарурий (қонуний, детерминлашган) ва тасодифий ҳодисаларни тушунишни тубдан ўзгартирувчи, дунёни янгича кўриш, янгича идрок этиш методи сифатида майдонга чиқмоқда” [1;11]. Дунё тарихчилари ҳозирги кунда тарихий детерминизм, тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучлари, ижтимоий тараққиёт мезонлари, ижтимоий инқирозларнинг табиатини ўрганиш ва уларни бартараф этиш масалаларини таҳлил қилишда синергетиканинг эвристик имкониятларидан кенг фойдаланмоқда [2,3,4]. Чунки шу кунга қадар тарих фанида “ҳукмронлик” қилиб келган ижтимоий-иқтисодий формациялар назарияси ва унинг ўрнига келган цивилизациявий ёндашувларнинг тарихий жараёнларни холисона тадқиқ қилиш ва тушуниш имкониятлари бирмунча чекланган аниқ бўлиб қолди.

Маълумки, совет тузуми даврида формацион назариянинг асоси бўлган синфлар ва синфий кураш ғояси тарихий тадқиқотларда ҳаддан ташқари мафкуралаштирилиб, мутлақлаштирилди. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули ижтимоий ҳаёт ва тарихий тараққиётнинг асоси деб белгиланди [5;234]. Бу эса совет даври тарихининг ўнқир-чўнқир, нотекис йўлини холисона ўрганиш имконини бермади. Тарихий тараққиётга синфий ёндашув секин-аста мафкуравий муросасизликка, XX асрнинг 20 – 30-йилларидаги оммавий сиёсий қатағонларга олиб келди.

СССРнинг парчаланиши билан дунёнинг қатор мамлакатларида социализм ғояларининг мағлубияти, ўз навбатида, инсониятнинг тарихий тараққиётини формацион ёндашув асосида ўрганишга бўлган ишончга жиддий зарба берди. Гарчи формацион назария ўтган замонни тавсифлашда ўз имкониятларини бирмунча сақлаб қолган бўлса-да, унинг олдинни кўра билиш имкониятлари анчайин чекланганлиги намоён бўлди.

Тарихшунослигимиздаги қатъий бирёқлама синфий ёндашувга асосланган формацион назария ўрнига келган “цивилизацион ёндашув жамият тарихига синфий қараш, инқилобий алмашувлар ва тараққиётнинг ягона назарий схемалари, ягона мафкуравий қарашни рад этади” [6]. Цивилизациявий ёндашув тарихий жараёнларни тушунишда халқнинг менталитети, дини, маданияти, тилига, яъни маънавий-маърифий ва интелектуал омилларга асосий эътиборни қаратади [7,8,9,10]. Унинг универсал тамойиллари жамият тарихини мамлакат ва минтақаларни ҳисобга олган ҳолда ўрганишга имкон беради. Ҳар бир жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари унинг жаҳон маданияти ва тарихидаги ўрни ва ролини белгилашда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, мазкур ёндашув қатор камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Биринчидан, цивилизациявий ёндашув тамойиллари, асосан, “глобал даражадаги” масалаларни ўрганишга мослашган. Конкрет масалаларни ҳал этишда эса унинг имкониятлари чекланган бўлиб, бошқа методлардан фойдаланишни тақозо этади. Иккинчидан, мазкур методология борасидаги баҳслашувлар ҳалиҳануз давом этмоқда ва унинг тушунчалар аппарати мукаммал ишлаб чиқилмаган. Хусусан, “цивилизация” категориясининг ўзини белгилаш бўйича ягона мезон йўқ. Яъни, баъзи цивилизацияларни белгилашда иқтисодий омил олдинги ўринни эгалласа, иккинчисида – сиёсат, учинчисида – дин, тўртинчисида эса маданият асосий ўрин тутади. Учинчидан, тарихга цивилизациявий ёндашув “икки хил стандарт”га, ҳозирги даврда тараққий этган мамлакатлар тарихи ва тарихий шахсларни “ёрқин бўёқлар”да, ривожланишда нисбатан ортда бўлган мамлакатлар тарихини “хира ранглар”да тасвирлашга мойил бўлган тадқиқотларга йўл очади.

Тарихий жараёнлар бир чизиқ бўйлаб, “қуйи фор-

мациядан ундан кейинги юқори формацияга ўтади", анъанавий жамиятлар "илғор тажрибалар" асосида замонавийлик томон ривожланиб боради деб тушунтирувчи ижтимоий-иқтисодий формация ва цивилизациявий назариялардаги чекланганликни тарихга синергетик ёндашув ёрдамида бартараф этиш мумкин.

Синергетик ёндашув *ночизиқлилик, беқарорлик, кўп вариантлилик, муқобиллик* тушунчаларига асосланади. Бу ўз-ўзидан беқарор вазиятларга олдиндан кўриш ва ҳисобга олиш мумкин бўлмаган тасодифий жараёнларнинг турли таъсирларини эътиборга олишни тақозо этади. Тарихий жараёнларни бутунлай янгича идрок этишда бифуркация нуқтасидаги ривожланиш – янги эволюциянинг юзага келиши учун таянч бўладиган жараённинг тармоқланиш нуқтаси алоҳида аҳамият касб этади. Бунга XX асрнинг бошларида ижтимоий тузумни инқилобий тарзда тубдан ўзгартириб юборган тарихий ҳодисалар ёрқин мисол бўла олади.

Синергетик ёндашувнинг формациявий ва цивилизациявий назариялардан асосий фарқи шуки, классик назарияларда детерминизм тамойиллари асосий ўрин эгаллаб, тасодифият умумий воқеликда ҳеч қандай из қолдирмайдиган иккинчи даражали омил сифатида баҳоланган. Беқарор ҳолат, мувозанатсизлик тараққиётнинг "тўғри йўли"дан чалғитувчи қандайдир салбий, бузғунчи ҳолат сифатида қабул қилинган. Синергетикада ҳар қандай эски тузилма янги тузилма билан алмашинар экан, даставвал беқарорлик, хаос юз беради, тизимдаги унсурлар барқарорлигига путур етади. Бу ҳолатнинг ўзгаришида оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин [11;286]. Шу нуқтаи назардан қараганда, XX асрдаги инсоният тарихи ҳақиқий бифуркация асри сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги кунда тарихшунослигимизда конкрет бир тарихий муаммони синергетик ёндашув асосида ўрганиш бўйича тажрибага эга эмасмиз. Шундай бўлса-да, XX асрнинг 20-йилларидаги кооперацияларнинг ривожланиши ҳамда Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар тарихининг синергетик ёндашув асосида тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки 1929 йилнинг охирида Совет Иттифоқида бошланган қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати жамиятда беқарорликни келтириб чиқарди. Коллективлаштириш ғоясининг вужудга келиши, уни амалга оширишда мантиққа зид бўлган сиёсий қарорларнинг қабул қилиниши жараёнларини синергетик тамойиллар асосида талқин этадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатлар намоён бўлади.

ВКП (б) нинг XV съезди (1927 йил 2-19 декабрь) "қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужумга ўтишини тайёрлаш" съезди сифатида тарихга кирди. Коллективлаштириш индустрлаштириш манфаатлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг катта қисмини давлат томонидан паст нархларда сотиб олинишига имкон бериши керак эди. Съездда Сталин ерни коллектив бўлиб ишлашгина совет қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни бартараф қилиши мумкин, "бошқа йўл йўқ" [12;228], - деган фикрда қатъий турди. В.М.Молотовнинг "Қишлоқда ишлаш тўғрисида"ги маърузаси юзасидан қабул қилинган резолюцияда майда якка деҳқон хўжаликларини бирлаштириб, уларни йирик коллективларга айлантириш партиянинг қишлоқдаги *асосий вазифаси* қилиб белгиланди. Съездда коллективлаштириш суръатлари ва муддати белгиланмади. Ёппасига коллективлаштириш тўғрисида эса умуман ҳеч қандай гап бўлмади. Аксинча, деҳқонларга нисбатан ҳар қандай босим ва маъмурий чоралар қораланди [13;18-19]. Резолюцияда *деҳқонлар бундай ўтишга рози бўлган тақдирдагина* бу ишни қилиш мумкин деб қатъий суратда кўрсатиб ўтилди, йирик ижтимоий қишлоқ хўжалигига *аста-секин ўтиш* деҳқонлар учун зарур ва фойдали эканлигини кенг тарғибот қилиш, йирик коллектив хўжалик элементларини амалда ҳар тарафлама рағбатлантиришни зарур деб топди[14;57].

НЭП ғояларидан батамом воз кечиш ва қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш сиёсатининг ёппасига коллективлаштириш томон трансформацияси ғалла тайёрлашга қаратилган "фавқулодда чоралар" билан бевосита боғлиқ тарзда бошланди. 1928 йил январида СССР Жиноят кодексининг 107-моддасига мувофиқ ғаллани яширган деҳқонларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилди. Бунга сабаб шуки, ташқи уруш хавфи туфайли аҳоли захира тўплай бошлагани учун товар ғалла кам чиқарилди. "Ғалла фронти" тўғрисидаги қарор машъум оқибатларга олиб келди. Бу партия Сиёсий бюросидаги ўнг мухолифат билан Сталин ўртасига нифоқ солиш билан бирга, 1929-1933 йиллардаги мажбурий коллективлаштиришнинг бошланиши бўлди.

1928 йил 15 январда И.Сталин ҳосил яхши етиштирилган бўлишига қарамай ғалла тайёрлаш ёмон кетаётган Сибирь ва Уралга сафар қилди. Сафар кўпроқ ҳарбий экспедиция тусини олди. Маҳаллий партия ходимларининг кўпчилиги хизмат вазифасига лаёқатсиз ва "қулоқларнинг агенти" сифатида жазоланди. Фавқулодда қўлланилган чоралар вақтинчалик самара берди.

1928 йил 6 февралда Москвага қайтган И.Сталин Сиёсий бюродаги ҳисоботида ғалла инқирозининг асосий айбдори сифатида қулоқларни кўрсатиб, улар ғалланинг нархини ошириш мақсадида саботаж қилмоқда деб ишонтирмоқчи бўлди. Сибирь сафарида Сталин: "Биз якка деҳқон хўжалиги ба-

засида энди олдинга бора олмаймиз”[12;340], – дея *бирдан* якка деҳқон хўжаликларининг ҳаётийлигини инкор эта бошлади. Синергетикадаги кўп вариантлилик тамойили эсга олинса, худди шу нуқтада тарихий тараққиётнинг турли йўллари ичидан айнан ёппасига коллективлаштириш йўлининг танланиши ойдинлашади. Аввал пухта ўйланган қишлоқ хўжалигини аста-секин ислоҳ қилиш режаси тасодифлар (Сталиннинг Сибирга сафари, товар ғалланинг деҳқонлар томонидан белгиланган қатъий нархларда сотилмагани ва б.) таъсирида ўзгаради. Сибирь сафари давомида Сталин юзага келган ҳолатдан маъмурий-буйруқбозлик йўли билан чиқиш мумкинлигига амин бўлди ва буни энди кенг миқёсда қўллашга киришди.

Сталин ва Молотов имзолаган директива ва циркулярлар талаби билан “партия ташкилотлари оёққа турғазилди”, “партия ташкилотларининг барча иши деҳқон хўжаликларини коллективлаштиришига қараб баҳоланиши” эълон қилинди. Колхозларга давлат томонидан бериладиган ёрдам миқёси кескин ортди [15;47]. Шундай бўлса-да, колхоз шакли масаласида аниқ тасаввур мавжуд эмас эди. 1928 йилнинг 1 июнида Совет Иттифоқи колхозчиларининг I Бутуниттифоқ съездида сўзга чиққан “бутуниттифоқ оқсоқоли” М.И.Калинин қишлоқдаги “ишлаб чиқаришни бирлаштиришга имкон берадиган энг яхши колхоз шаклини топа олмаганлиги”ни эътироф этишга мажбур бўлган эди [16;117].

1928 йилнинг ёзида Сталин ҳали оммавий коллективлаштириш ғоясига келмаган бўлса-да, унинг НЭПга ишончи сўнганди [17;202]. Шу боис, “Фрумкиннинг 1928 йил 15 июлдаги хати ҳақида” МК Сиёсий бюросига йўллаган жавоб хатида “майда ва ўрта деҳқон хўжаликларини янада юксалтиришга зўр бериш асосий масала бўлиб қолаверади, ... бу вазифага колхоз ва совхозларни ривожлантириш каби иккита янги амалий вазифани қўшиш вақти келди”[18;138-139], - деган фикр билдирди.

1928 йил 9 июлда ВКП(б) МК Пленумидаги “Индустрлаштириш ва ғалла проблемаси” тўғрисидаги нутқида “сўл” мухолифатдаги Преображенскийнинг қишлоқ хўжалигига индустрлаштириш эҳтиёжлари учун вақтинчалик “хирожга” ўхшаш устама солиқ юклаш ғоясини ўзлаштириб, саноат товарларига деҳқоннинг ортиқча ҳақ тўлаши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига кам ҳақ олишини ёқлаб чиқди [19;75-93]. Чунки 1927 йилда СССРда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш олдинги йиллардагига қараганда 18% га ўсгани ҳолда қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатлари саноатникига қараганда орқада қолмоқда эди. Бу эса саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари ўртасида “қайчи” деб ном олган номутаносибликни вужудга келтирди [20;17-18]. “Ўнг мухолифат”дагилар Сталиннинг “хирож” сиёсатини кескин танқид қилдилар. Бухарин бу сиёсатни “деҳқонларни ҳарбий-феодалча эксплуатация қилиш” деб баҳолади [21;526]. Мамлакатни террорга, фуқаролар уруши ва очликка олиб келади деган фикрни билдирди [17;203].

Сталиннинг таклифлари Пленум қарорларида ўз ифодасини топмаган бўлса-да, ВКП(б) МК сиёсатида мазкур тамойиллар ҳаётга тўла тадбиқ этила бошланди. Барча қишлоқ коммунистлари интизомий жазо тазйиқи остида биринчилардан бўлиб колхозларга киришни бошлаб бердилар. Колхозцентр колхоз тузилишида қўшимча ваколатларга эга бўлди. Қишлоқ кооперацияси техника, машина ва тракторларни фақат колхозларгагина етказиб бериш мажбуриятини олди. Сафарбарлик касаба уюшмалари ва комсомол ташкилотларига ҳам ёйилди. Улар партия фаоллари ва ГПУ ходимлари вакиллигида қишлоқда партия сиёсатини олиб бориш учун йўл олдилар.

1928 йил 16–24 ноябрдаги ВКП (б) МК Пленуми “Халқ хўжалигининг 1928/1929 йилги контрол рақамлари тўғрисида”ги резолюциясида “Партиянинг асосий вазифаси, унинг бош йўли мамлакатни янада индустрлаштиришдан, халқ хўжалигининг социалистик секторини мумкин қадар тезроқ ривожлантиришдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг коллектив формалари (колхоз ва совхозлар)ни кўпайтиришдан иборат” эканлигини таъкидлаб, “тарқоқ деҳқон хўжаликларини йирик бирлашган хўжаликларга *аста-секин бирлаштириш*”да дастлабки силжиш амалга оширилишини кўрсатиб ўтди [14;131-136]. Яъни 1928-1929 йилларда коллективлаштириш масаласи бўйича тортишув ва мунозаралар қанчалик кескин тус олмасин, унинг *аста-секин* бориши ҳақидаги қоидадан четга чиқилмади. 1929 йилдаги ғалла тайёрлаш кампанияси ҳам деҳқонларни хонавайрон қиладиган маъмурий усуллар билан амалга оширилди. Қишлоқдаги асосий сиймога айланган ўртаҳоллар зиммасига энг оғир юк тушганлиги боис улардаги хўжаликларини кенгайтиришга бўлган интилиш сезиларли даражада сусайди. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги товар айирбошлаш бирдан қисқарди, ички қишлоқ бозорига путур етди. Айни шу ҳолат *хаос* сифатида баҳоланиши мумкин.

1929 йил июнидан матбуот “оммавий коллективлаштириш” ҳақида хабар бера бошлади. Иттифоқда биринчи бўлиб Россиядаги Хоперский округидаги барча деҳқон хўжаликларини “ёппасига коллективлаштириш” шиори ўртага ташланди [15;48].

1929 йилнинг иккинчи ярмидан янги иқтисодий сиёсат (НЭП)дан воз кечилиб бирданига ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтилишига сабаб бўлган омиллар хусусида турли нуқтаи назарлар илгари сурилди. Бироқ маълум бир омилни ҳал

қилувчи сифатида кўрсатиш унчалик тўғри эмас. Чунки бу давр мураккабликларини фақат битта омил билан боғлаб бўлмайди.

Ёппасига коллективлаштириш, биринчи навбатда, Совет давлатининг мамлакатни индустрлаштириш дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағни топиш чораси эди. Большевиклар айнан колхозлар воситасида қишлоқдаги ресурсларни шаҳарга етказиб бериши мумкин эди. Партиянинг саноат учун деҳқонлардан қўшимча маҳсулот олишида колхозлар муҳим ўрин тутди. Албатта, бу муҳим омил ҳисобланади, лекин асосий эмас.

Яна бир омил шуки, Совет Иттифоқига қарши реал уруш хавфи сақланиб қолмоқда эди. Ҳокимиятни уруш вақтида қўлга киритган большевиклар мудофаа масаласига ўта жиддий эътибор берганлар. Ғалла тайёрлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган. Ғаллани иқтисодий чоралар воситасида тайёрлаш механизми шаклланмагани боис колхозлар орқали маъмурий босим ўтказишга асосий эътибор қаратилган. 1981 йилда В.Молотов “Нима учун коллективлаштиришга шошилдиларинг?” деган саволга: “Кейинга қолдириш мумкин эмас эди. Фашизм бошланганди. Кеч қолиш мумкин эмасди. Уруш хавфи бор эди”[22;381], – деб жавоб берган.

Ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтилишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида партия “доҳийлари”нинг ҳокимият учун курашида Сталиннинг ғалабаси ҳам кўрсатилади. 1928 йилдаги ғалла кризиси даврида ВКП(б) Марказий Комитети бош котиби И.В.Сталин ва унинг тарафдорлари танлаган “фавқулодда чоралар”га нисбатан Н.И.Бухарин, А.И.Риков ва М.П.Томскийлар раҳбарлигидаги “ўнглар” ўз муқобил дастурини илгари сургандилар. Улар деҳқонларга фавқулодда чоралар қўлламаслик, аксинча, иқтисодий чораларни кучайтириш тарафдори бўлдилар. Аммо “ўнг мухолифат”дагилар ўз сиёсий фаолиятида қўпол хатога йўл қўйдилар. Н.Бухарин мухолифат вакили Л.Каменев билан яширин музокара олиб борди [23;227]. Суҳбат мазмунининг троцкийчилар яширин газетасида эълон қилиниши мухолифатнинг партия аъзолари ўртасидаги нуфузига путур етказди. Сталин бу воқеадан усталик билан фойдаланди [24;310].

Сталин мухолифат билан кураш жараёнида “синфий курашнинг кучайиши” назариясини асослади. Мухолифатнинг ҳам ғоявий, ҳам ташкилий маҳв этилиши Сталинга 1929 йил ноябридан бошлаб ёппасига коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати орқали деҳқонларга нисбатан зўравонлик методларини қўллашга имкон берди.

1929 йил 7 ноябрда “Правда” газетасида эълон қилинган И.В.Сталиннинг “Буюк бурилиш йили” мақоласида илгари сурилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга оид фикр ва хулосалари жуда узоқни кўзлаган мақсадлар ифодаси эди. Мақолада Совет давлатининг ҳал қилувчи ғалабаси – ўртаҳол деҳқонларнинг колхозлар томон юз бурганлигида деб кўрсатилди. “Ҳозир деҳқонлар колхозларга алоҳида-алоҳида ҳолда кирмасдан, балки бутун қишлоқ, бутун район, ҳатто бутун округ билан кираётирлар. Бу нима демакдир? Бунинг маъноси шуким, *ҳозир колхозларга ўрта ҳол деҳқонлар кираётирлар.* Шўро ҳукуматининг сўнгги йил ичида қозонган муваффақиятларини ташкил қилган қишлоқ хўжалик тараққийсидаги бу бурилишнинг туб аҳамияти ана шундадир”[25;21], – деб ёзади И.Сталин. Реал ҳаётий воқелик эса бунинг бутунлай аксини кўрсатади. Сабаби, бу вақтда нафақат ўртаҳоллар, балки камбағал деҳқонларнинг ҳам колхозга киришлари мажбурий характерга эга эди. Қишлоқдаги НЭП асосларининг юқоридан синдирилиши натижасида якка деҳқон хўжаликларининг мустақил майда товар ишлаб чиқарувчи сифатида ҳаёт кечириши мумкин бўлмай қолди. Қишлоқ хўжалик кооперацияси фаолиятининг асослари “фавқулодда чоралар” вақтида жиддий зарбага учради. Ўз тирикчилик манбаларини йўқотиб бораётган камбағал-батракларнинг аксар қисмида совет ҳокимиятининг кучли маъмурий-репрессив босими ва ташвиқоти натижасида колхозга киришдан бошқа чораси қолмаганди.

Расмий статистик маълумотлар ҳам Сталиннинг бу хулосаси жиддий асосга эга бўлмаганлигини исботлайди. 1929 йил 1 октябрь маълумотларига кўра Иттифоқ бўйича барча деҳқон хўжаликларининг 7,6 % [26;11], Ўзбекистон бўйича эса 3,4 % дан ошмаган қисми [27;19] колхозларга кирган эди, холос. Камбағал-батраклар СССР бўйича барча деҳқон хўжаликларининг 35 % ини [26;11], Ўзбекистон бўйича эса 43 % ини [28;130] ташкил этганлигини эътиборга олсак, колхозлар Иттифоқ бўйича камбағал-батракларнинг тўртдан бир қисмини, Ўзбекистон бўйича эса ўндан бир қисмидан ҳам камроғини қамраб олган.

ВКП(б) МКнинг 1929 йил ноябрь Пленумининг “Колхоз қурилишининг якунлари ва келажакдаги вазифалари тўғрисида”ги резолюцияси И.Сталиннинг мақоласида келтирилган фактларни қайд этиб, биринчи маротаба “айрим областлар олдига ёппасига коллективлаштириш вазифасини” қўйди ҳамда қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришнинг *янги тарихий босқичи* бошланганлигини эълон қилди [14;378-380]. Пленумда коллективлаштириш суръатлари масаласига асосий масала сифатида қаралди. 15 ноябр куни Г.Н.Каминскийнинг маърузаси бўйича сўзга чиққан В.М.Молотов 1930 йил экин кампаниясига катта умид боғлаётганлигини таъкидлаб, “бизда 4,5 ой – ноябрь, декабрь, январь, февраль, март ойлари қолмоқ-

да”[21;761],– деб ёппасига коллективлаштиришнинг баҳорда ўтказилишига эътиборни қаратди. Шу билан бирга В.М. Молотов қишлоққа 25 мингта “сиёсий етук” ишчиларни юбориш масаласига тўхталиб: “Биз бу чорага кечиктириб бўлмайдиган, олий даражадаги зарурий чора сифатида ёндашишимиз лозим” [21;761], – деб уқтириб ўтди.

Шунингдек, ноябрь Пленуми қишлоқ хўжалик ишига раҳбарлик ишини марказга тўплаш мақсадида СССР бирлашган Ер ишлари халқ комиссарлиги тузишни зарур деб топди [14;392]. 1929 йил 7 декабрда СССР Советлари Марказий Ижроия қўмитасининг “СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги тузиш ҳақида”ги қарори эълон қилинди. Я.А.Яковлев Ер ишлари халқ комиссари этиб тайинланди [29;153]. Мазкур комиссарлик ёппасига коллективлаштириш режаларини ишлаб чиқиш ва ВКП(б)нинг деҳқонларга қарши қаратилган тадбирларини ҳаётга тадбиқ этишда асосий роль ўйнади.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1929 йил 5-7 декабрдаги йиғилишида СССРнинг турли районларида коллективлаштириш суръатлари ва қабул қилинган режаларни йиллар бўйича мувофиқ тарзда амалга ошириш, давлат томонидан бериладиган ёрдам чоралари ҳақидаги масалаларни ишлаб чиқиш учун Я.А.Яковлев бошчилигида махсус комиссия тузилди. Мавжуд фактик материаллар ушбу масалалар бўйича қарор лойиҳаларини тайёрлаш жараёни муросасиз борганлиги, коллективлаштириш механизмлари, суръатлари ва муддатлари хусусида турли қарашлар мавжуд бўлганлиги, лекин Сталин ва Молотовларнинг тазйиқи натижасида ўта қисқа муддатлар белгиланганидан далолат беради [30;3-11].

1929 йилнинг 22 декабрида Я.А.Яковлев махсус комиссия тайёрлаган қарор лойиҳасини Сиёсий бюрога тақдим этди. Сталинни лойиҳа тўла қониқтирмагани боис, ўз фикрини билдиришни сўраб 25 декабрда Молотовга юборади [30;9].

1929 йил 27 декабрда коллективлаштириш бўйича қарор лойиҳаси билан яхши таниш бўлган И.Сталин аграр марксистлар конференциясида “СССРда аграр сиёсат масалаларига доир” нутқ сўзлади. Колхозчилик ҳаракатини ижтимоий-хўжалик турмушдаги энг муҳим воқеа сифатида таъкидлаб, асосий эътиборни назарий масалаларга қаратди. Шу нутқида биринчи маротаба қулоқларнинг эксплуататорлик тенденцияларини чеклаш сиёсатидан уларнинг синф бўлиб яшашини тугатиш сиёсатига ўтилганлигини расман эълон қилди [31;157-191]. Ваҳоланки, икки йил аввал коллективлаштиришни аста-секин ўтказиш лозим, бунинг учун иқтисодий, молиявий, маданий, сиёсий тадбирлар кўриш, катта маблағ зарур деб чиққан Сталин 1929 йилнинг декабрига келиб коллективлаштириш учун моддий база тайёр деб айтишга журъат этди. 27 декабрдан кейинги 65 кун мамлакатни шу қадар ларзага келтирдики, бу ларза ўша 1917 йил октябрининг 10 кунида юз берган ларзадан бир неча бор даҳшатли бўлди [23;63].

Совет даври аграр тарихчилари ВКП(б) МК Сиёсий бюроси комиссиялари ва Ер ишлари Халқ комиссарлиги коллективлаштириш жараёнида давлат сиёсатининг асосини ташкил этган колхоз шаклини* қаердан ва қай тариқа олган деган табиий ва энг оддий саволга охирги вақтгача ҳеч қандай жавоб бермаганлар. Ғарб олимларининг асарларида ҳамда Россияда нашр қилинган айрим дарсликларда колхоз шакли XX асрнинг бошларида Халқаро сионистлар ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган киббуц – кооперация моделидан олинган деган фикрлар ҳам учрайди [32]. Дастлаб германиялик аграр олимлар ишлаб чиққан ва россиялик сионистлар (“трудовик” ва социалистлар) давом эттирган киббуцлар қишлоқ хўжалик кооперациясининг ўзига хос шакли бўлиб, шаҳарлик колонистларнинг маданий дунёқарашларига мос тарзда ишлаб чиқилган. Улар ўз олдиларига деҳқонлар хонадонлари ташкил этиш ва уй ҳайвонларини асрашни мақсад қилиб қўймаганлар. Аксинча, киббуцларда барча нарса олий даражада умумийлашган бўлиб, мулкка эгалик қилишга йўл қўйилмаган. Ҳатто уйда овқатланиш таъқиқланган. Биринчи жаҳон урушидан кейин кенгайиб борган киббуцлар ўзини энг самарали ишлаб чиқариш уклади сифатида намоён этган**.

Хориж олимларининг эътироф этишларига кўра, СССР Ер ишлари Халқ комиссари А.Я.Яковлев ва Аграр институт раҳбари Л.Н.Крицманлар киббуц кўринишидаги кооперативларнинг иқтисодий кўрсаткичлари таъсирида ҳеч иккиланмай ушбу тайёр моделдан фойдаланганлар. Унинг совет қишлоқларидаги маданий ўзига хосликка мос келиш-келмаслиги ҳақида ўйлаб кўрмаганлар [33]. Ер ишлари Халқ комиссарлиги, Фанлар Академияси, Аграр институт ва бошқа ташкилот раҳбарларининг 76-100 фоизини яҳудийлар ташкил этганини [34;4] эътиборга оласак, бу фаразлар ўринсиз эмас. Совет давлатида узоқ йиллар иккинчи арбоб бўлган В.М.Молотов берган маълумотга кўра, И.В.Сталин 1920 йилларнинг охирида Кавказорти ўлкасидаги коммуна шаклидаги колхозга ташриф буюрган. Коммунанинг ютуқ ва камчиликлари билан танишиб, кўрганларидан чуқур таъсирланган И.Сталин колхозни шахсий манфаатдорлик ва механизацияга асосланган артель шаклига ўтказиш ҳақида кўрсатма берган ва уни партия қўллаб-қувватлаган [35;281].

---

* *Колхоз – коллектив хўжаликлари уч шаклга бўлинган: коммуна, қишлоқ хўжалик артели ва ерни биргалашиб ишлаш ширкати (ТОЗ).*

** Исроил давлатида бир неча киббуцлар ҳозирги кунда ҳам шундай мавқеда сақланиб қолган.

1930 йилнинг дастлабки куниданоқ ВКП(б)нинг қарор лойиҳаси олий даражадаги муҳокама объектига айланди. В.Молотов лойиҳанинг ёппасига коллективлаштириш суръатлари, коллективлаштириш районлари, қулоқларга муносабат, колхозчиларнинг чорва, асбоб-анжомлар ва бошқа шахсий мулкка эга бўлишига бағишланган бандларига қўшилмаган ҳолда уни қониқарсиз деб топгани ҳақида 1 январда Сталинга ҳабар қилди.

И.Сталин В.Молотовнинг телеграммасини олган куниёқ жавоб ёзиб, унинг танқидий мулоҳазалари "дўстларнинг танқидий фикрлари билан мос тушганлигини" маълум қилади. Қисқа резолюцияда колхоз ҳаракатининг янги суръатларини нисбатан қисқа муддатларга белгилашни кўрсатиб ўтади [30;9]. Махсус комиссия аъзоси Т.Р.Рисқулов ҳам комиссия тайёрлаган қарор лойиҳаси бўйича ВКП(б) Сиёсий бюросига йўллаган хатида "пахтачилик ... бўйича катта сиёсий аҳамиятга эга"[36;46] бўлган коллективлаштириш суръатларини жадаллаштириш тарафдори бўлди.

И.Сталин кўрсатмаси билан қайта ишланган қарор лойиҳаси 3 январда Сиёсий бюрога тақдим этилди. 4 январда эса И.Сталин ва Я.Яковлев сўнгги бор коллективлаштириш муддатларини қайта таҳрирдан ўтказдилар. Қарордан қулоқларга муносабат масаласи чиқарилди. Бу масала махсус комиссияда қайта кўриш учун кейинга қолдирилди [30;10].

1930 йил 5 январда ВКП(б) МКнинг "Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида"ги қарори [14;419-422] тасдиқланди. Мазкур қарор коллективлаштиришни сунъий тезлаштириш ва бу борада "социалистик мусобақа"нинг ким ўзди "пойгасини" авж олдирди.

Хулоса шуки, 1929 йилнинг охиридан қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтилиши большевистик режимнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мақсадларининг ифодаси эди: у мамлакатни индустрлаштириш эҳтиёжларини молиялаш, Қизил армия ва ишчиларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш вазифаларини бажариши лозим эди. Бироқ қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ғояси пухта ўйланмаган, тўла етилмаган бўш ғоя эди. Бу ғоя Совет тарихчилари зўр бериб асослашга интилганидек объектив қонуниятлардан эмас, балки компартиянинг мафкуравий андозаларидан келиб чиққан. Унда Совет давлатининг якка ҳукмронига айланган Сталин ва унинг тарафдорларининг хоҳиш-истаклари ўз ифодасини топган. Яъни бу ўринда Сталиннинг фикрлари, синергетика таълимотидан келиб чиқсак, *аттрактор* вазифасини бажарган. Ёппасига коллективлаштириш ғоясига муқобил ғоя билан чиққан партия ва совет арбобларининг ҳақли эътирозлари инобатга олинмади. Беқарорлик, тартибсизликларни бартараф этишнинг бир қанча муқобил йўллари бўлишига қарамай, большевиклар мақсадга эришиш учун энг яқин, қулай ва ўта шафқатсиз усул – сиёсий қатағон йўлини тутдилар. Ижтимоий ҳамкорликка эмас, аксинча, коммунистик мафкура таъсирида муросасизликка асосланган колхоз қурилиши ғояси Совет Иттифоқидаги дастлабки оммавий қатағонларга сабаб бўлган.

XX асрнинг 20–30-йилларидаги сиёсий жараёнларнинг илмий талқинида синергетика муҳим методологик асос вазифасини бажаради. Шу жиҳатдан ватанимиз тарихини холисона ёритишда, тарихий хотирани тиклашда, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилишда тадқиқотчилар синергетик тафаккур имкониятларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

[1] Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар.- Т.: Адолат, 2000. [2] Ерохина Н.А. Синергетика как методологическая основа исторического исследования (Историографический анализ).- Екатеринбург, 2004. [3] Бородкин Л.И. «Порядок из хаоса»: концепции синергетики в методологии исторических исследований//www.hist.msu.ru/Labs/HisLab. [4] Гомаюнов С.А. От истории синергетики к синергетике истории // Общественные науки и современность / Москва, 1994 № 2. [5] Марксча-ленинча философия асослари. - Т.: Ўзбекистон,1984. [6] Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918-1924 йиллар). Тарих.фан.док… дисс. - Т.: 2005. [7] Жўраев Н. Тарих фалсафаси. – Т.: Маънавият, 2008. [8] Тойнби А.Дж. Постижение истории. - М., 1991. [9] Шахназаров Г.Х. Откровения и заблуждения теории цивилизаций. - М., 2000. [10] Ионов И.Н. Теория цивилизации и эволюция научных знаний // Общественные науки и современность, 1997, № 6. [11] Фалсафа: қисқача изоҳли луғат / Муаллифлар: М.Н.Абдуллаева, М.Абдурашидов, У.Абилов ва бошқ.: Масъул муҳаррир: А.Жалолов. – Т.: Шарқ, 2004. [12] Стивен Коэн. Бухарин. Политическая биография. 1888-1938. М.: Прогресс, 1988. [13] Документы свидетельствуют. Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации 1927-1932 гг. / Под.ред. В.П.Данилова, Н.А.Ивницкого.- М.: Политиздат,1989. [14] КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари. Т. IV. 1927 - 1931. – Т.: Ўзбекистон, 1983. [15] Данилов В.П. Коллективизация сельского хозяйства в СССР. В кн."Коллективизация сельского хозяйства в республиках Средней Азии и Казахстана: опыт и проблемы" Алма-Ата: Гылим, 1990. [16] История крестянства СССР. В 5 томах. Т.2. Советское крестянство в период социалистической реконструкции народного хозяйства. Конец 1927-1937. М.: Наука, 1986. [17] Н.Верт. История Советского государства. 1900 – 1991 гг. - М.:

Инфра М, 2003. [18] Сталин И.В. Асарлар. – Т.11.- Т.:Ўздавнашр, 1950 [19] Горинов Н.Цакунов С.Евгений Преображенский: трагедия революционера.// Отечественная история. – Москва, 1992. - № 2. - С.75-93. 20] Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.).- Т.: Фан, 1977. [21] Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы: В 5 томах. Т.1. / Главный редакционный совет: В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола // май 1927-ноябрь 1929. - М.: РОССПЭН 1999. [22] Чуев Ф. Сто сорок бесед с Молотовым: Из дневника Ф.Чуева. – М.: ТЕРРА, 1991 [23] Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари.- Т.: Шарқ, 2001. [24] Боффа Д. История Советского Союза. - М.: Международные отношения, 1990. [25] Сталин И.В. Буюк бурилиш йили. Латин графикаси. (Набий таржимаси). – Самарқанд, Баку: Ўздавнашр, 1930. [26] Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004. [27] Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: Фан, 1995. [28] Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти (1917-1980 гг.), – Т.: Фан, 1984. [29] История колхозного права. Сборник законодательных материалов СССР и РСФСР 1917–1958 гг. Т.1.- М.: Госиздат юрид.литературы, 1959. [30] Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. 1927 –1929. Документы и материалы. Т.2. ноябрь 1929 – декабрь 1930. – М.: РОССПЕН, 2000 [31] Сталин И.В. Асарлар, Т.12, 1929 апрель – 1930 июнь.– Т: Ўздавнашр, 1950. [32] Кара-Мурза С.Г. Советская цивилизация. Кн.1. http://antares.samlan.ru/index.folds/kara/sov_civ1/index.html. [33] История Государства и права России. Учебник для вузов. Под ред. С.А. Чибиряева.

www.gumer.info/bibliotek_Buks/Pravo/IstPrav/index.php. [34] Козенков Ю. Голгофа России. Схватка за власть. М.: Фонд национальных перспектив, 2003 [35] Чуев Ф. Сто сорок бесед с Молотовым: Из дневника Ф.Чуева. – М.: ТЕРРА, 1991. [36] Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т.I-III. / Сост: Р.Т. Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой/, Т.1. – Т: Шарк, 2006. [37] Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари. Республика илмий анжумани материаллари.- Наманган, 2010

Андижон давлат университети,
2010 йил 3 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)